

• Сизда қандай ангилликлар бор?

АНДИЖОН БИРЖАСИ

• Андижон товар-хона ашё биржасининг дастлабки савдоси кўнгилдагидек бўлди.

Москва, Санкт-Петербург ва Тошкент шаҳарларидан, Узоқ Шарқ регионларидан келган ишбилармонлар, Польша, Олмония ҳамда Туркия билан ҳамкорликда қурилатган кўшма корхоналарнинг вакиллари иштирок этдилар. Биржа савдосида 52 миллион сўмликдан кўпроқ савдосотиқ ва ўзаро айирбошлаш амалга оширилди. Биржанинг биринчи қадами дадил ва умидли бўлди. Савдо-сотиқ битимларини тузишда Россия, Ўш, Фарғона, Наманган ва Аравон биржалари фаол қатнашдилар. 15 январь кунин биржанинг навбатдаги савдосотиқ ишлари ташкил этилди.

А. ҚУРОНБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎҚИТУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Ниҳоят, республикамиз кўп миллионли ўқитувчилар ўз масканларига эга бўлдилар. Яқинда Тошкент шаҳрида республика ўқитувчилар уйи ўқув-услуг маркази тантанали равишда очилди.

Бу ерда халқ таълимининг барча йўналиши бўйича ўқув-услуг хоналари ишлаб турибди. Ўқитувчилар тажриба алмашишлари ва турли учрашувлар ўтказишлари учун қўлай бўлди.

Суратда: меҳнат фахрийлари бўлган ўқитувчиларнинг бир гуруҳи.

Даврон АХМАД сурати.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг

ТОШКЕНТ КИМЕ-ТЕХНОЛОГИЯ ОЛИЙ БИЛИМҲОҶИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибдаги БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: физика, юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси; органик кимё, олий математика: гўшт ва сўт маҳсулотлари технологияси.

Профессорлар: ачтки ишлаб чиқариш технологияси, виночилик ва маҳсулотларни консервация технологияси; чет тиллар; ёғочга ишлов бериш технологияси; сўёсатшунослик ва сўёсий иқтисод.

Доцентлар: ноорганик моддалар технологияси; кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари; физикавий кимё; физика; олий математика; умумий ва ноорганик кимё; кимёвий технологиялар механикасининг асослари; юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси; ёғочга ишлов бериш технологияси; ҳисоблаш техникаси; ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш; ёғлар технологияси; гўшт ва сўт маҳсулотлари технологияси.

катта ўқитувчилар: физика (2); олий математика.

ассистентлар: аетроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қоллойдли кимё, ёғочга ишлов бериш технологияси (2); кимёвий технологиялар механикаси асослари; ачтки ишлаб чиқариш, виночилик ва маҳсулотларни консервация; технологияси кимё саноти иқтисоди ва уни ташкил қилиш.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

доцент: кимё ва ноорганик моддалар кимёвий технологияси;

катта ўқитувчи: ижтимоий фанлар (2), олий математика ва физика;

ассистент: ижтимоий фанлар; олий математика ва физика.

Танлов муддати — 15 февралгача

Хужжатлар қўйидаги манзилга юборилсин: 700029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй, 20-хона.

«Сервеко-Кросна»

ФАЗОВИЙ ТЕЛЕНЎРСАТУВЛАР ТИЗИМИ

ЕВРОПА, ХИНДИСТОН ВА ХИТОН ТЕЛЕДАСТУРЛАРИНИНГ АЖОЙИБ ТАСВИРИ ВА УЛАРНИ СИФАТЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КЕЧА-Ю КҮНДУЗ ДАВОМИДА — УЗЛУКСИЗ!

— Амиқ даражали ишлашнинг хусусиятлари! — 8-16 каналли тизим бўйича масофадан бошқариладиган (ВВС, МТУ, ЕВРОСПОРТ ва бошқа) дастурларнинг улкан кўлами.

— Якка тартибда ва оммавий фойдаланиш имконияти. — Кафолатли ва кафолат муҳлатидан кейинги хизмат кўрсатиши.

Сиз учун мўлжалланган қўлайликлар — биздаги юксак сифат, сервис ва арзон нархлар демакдир. Таъминот ва мавжуд тизим билан таништирув «СЕРВЕКО» кўшма корхонаси томонидан амалга оширилади.

Манзилми: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳўжалиги ўтуқлари қўрғазмаси, «Сервеко» кўшма корхонаси.

Телефонлар: 34-19-73, 34-32-89.

Факс: 34-53-91.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ

ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сўёсий иқтисода кўмитаси Жўзаҳ вилоят партия кенгаши котиби Т. Т. Аъламова вага турмуш ўртоғи Фулат Саиджанович ВАЛИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Ўзловдовошчи» концерни аппаратури жамоаси шу йўқондаги наршали Кўқон вилло авлодини директор А. А. Алимова онаси Мунисхон АЛИМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меъморлик давлат қўмитаси, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ва Ўзбекистон шаҳарсозлик вилло-тектириш ва лойиҳалаш виллоғоҳи жамоаси виллоғоҳ котиби В. И. Гўйивбова онаси Рўзигул Кўқон қизи ИМОМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меъморлик давлат қўмитаси, Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси ва Ўзбекистон шаҳарсозлик вилло-тектириш ва лойиҳалаш виллоғоҳи жамоаси виллоғоҳ котиби В. И. Гўйивбова онаси Рўзигул Кўқон қизи ИМОМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирламмаси бирламманинг етаци геофизияги М. М. Шагаева онаси Салима ЗАЙНУДИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекгаз» ишлаб чиқариш бирламмаси жамоаси ва касабда уюшмаси бирламманинг режа ва иқтисод бўлими катта мутисодчиси М. Имомова онаси Фотимахон ИБРОХИМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Инсон қўли билан қурилган неки бор беқарордир, фақат Оллоҳнинг яратганлари барқарордир, дейишли бекиз эмас. Ҳақиқатан ҳам шундай. Тарихда одамлар не-не кўприкларни, минораларни, саройларни, давлатларни, империяларни қурмадилар-бариси йиқилганини, нурганини, йиқилганини кўриб турибмиз. Зотан, булар моддийта боғлиқ, модда аса мангу ўзгаришдадир. Аммо маънавий, руҳоний билан туташган инсоний, руҳий бойликлар борни, улар одамлар дунёси турғунча тураверади. Энг эски туркислом маданияти, адабиёти намояндалари — «Туркистон пири» Аҳмад Яссавий ва Туркиянинг бундан етти юз йил аввал яшаб ўтган шоири Юнус Эмра ана шундай баъшари мангуликка дахлдор шахслардир.

Аҳмад Яссавий ва Юнус Эмра номини бизнинг асри-мида илк марта туркиялик олим Муҳаммад Фуад Кўприкчида жаҳон илм аҳлига билдирди: унинг «Турк адабиётида илк турк мутасавуфлари» китоби (Истанбул, 1918) бу икки улғур шоир ва мутафаккирининг ҳаётини, ижодини бутун қўлама ва босма манбалар асосида тадқиқ қилиб берди. Минг йиллар аввал аждодларни Туркистондан фарба юрган ва Туркияга асос солган туркияликларнинг адабиёти ҳам Туркистон билан чамбарчас боғлиқ.

Туркистонлик Аҳмад Яссавий биринчи бўлиб шеърятда, хусусан исломий-туркий адабиётда илоҳий билан боғлиқ бир санъат йўлини очди: бу йўл бутун эски туркиялини — Турон дунёсини исломиятга, баъшариат эришган энг тўғри руҳоний ва маънавий яшаш йўлига даъват этди. Унинг бу даъвати Олтой ва Тангри тоғларидан охиб ўтароқ бутун Хиндистонда, Хазарда, Туркияда, Эрон ва Араб ерларидаги турклар юрагида садо берди. Бу садо инсоннинг ўз яратганини танишга ва сезишга, У яратган нарсаларга муҳаббат билан яшашга даъват эди. Аҳмад Яссавийнинг Туркистонда тарқалган Яссавий сулуни шоирлари каби Ҳаким Ота, Сўфи Оллоер, Азиз Хожа ва бошқалар — Туркияда ҳам Яссавий издош буюк шоирлар силсиласи яради: булар Юнус Эмра, Ҳожи Бектош Валий Сари Салжўқ, Кийикли Бобо, Хожа Байрам Валий... Бу бизга қандамда Туркистон ва Туркиянинг эли, тили бир бўлгани каби адабиёти ҳам бир эканини кўрсатиб беради. Бу шоирлар, улғур мутафаккирлар ўз ижодлари билан, пиру муридлик фаолиятлари билан халқларни тарбияладилар: бу маънавий тарбия фақат улар ҳаётлигидагина бари-

роп бўлмай, вафотларидан кейин ҳам юз йиллар мобайнида давом этиб келмоқда. Бу ижодкорлар Туркистон ва Туркия орасидаги олтин кўприкдир. Шоир Юнус Эмра ана шу олтин кўприкнинг буюк бир бўлагидир.

Юнус Эмра ким? — деган саволга Йигирманчи йиллардан кейинги авлод жавоб беролмаслиги табиий. Чунки бу шахс ҳақида ҳозиргача

ладан, биз ҳам шоир асарларини ўқиб бошладик. Демак, бугунги авлодимиз учун ҳам Юнус Эмрани танимоқ вақти етди. Бутун туркий дунёсида у «Ошиқ Юнус» номи билан машҳур. «Илк адим Юнус иди, адима Ашиқ тактим» сатри ҳам шунга ишора. «Эмра» сўзининг бир маъноси, Зиб Кўқалп айтганидек, эски туркларнинг эмра қавми билан

Юнус Эмра бошланғич таълими ўз қишлоғида, олий билимини эса туркларнинг илоҳий маркази, буюк Жалолиддин Румий макони Кўнёда олади. У араб, форс тилларини яхши билган. Қуръонни, Ҳадисни, бутун ислом билимларини мукамил ўрганди. Ундан қолган мерос «Рисолатун нуҳийя» ва «Девон» бу фикримизни исботлайди.

535 дан 630 гача ўзгариб туради. Бу маснавийда битилган тасавуфий, ахлоқий маърифий дostonдир. «Рисолатун нуҳийя» — «Насихатлар китоби»да инсоннинг қай йўл билан ҳаётдаги нарфосини манфаат занкирларидан қутулиб, илоҳий йўлга кириви, руҳоний ҳаётга етишувини уш йўл кўрсатилади. «Девон» нухалари ҳам ҳажман ҳар хилдир: бирида

Тангри муҳаббати бўлган инсон дунёда тинч, ҳалол, зулмисиз, эркин яшайди. Фақат ўз ҳақиқдан фойдаланади, ўзганинга тегмайди. Аммо эски замоналарда ҳам бундай қомил одамлар нам эди, бугун ундан ҳам кам. Туркиялик шоир Аҳмад Эр бир суҳбатимизда бу хусусда ниҳоятда қайғуриб гапирган эди: «Бугун дунёда томоғидан ҳалол луқма ўтадиган бирор инсон, бирор миллат, бирор жамяят қолмади — бутун дунё томоғидан ҳаром луқма ўтмоқда. Инсониятнинг бутунги фожиалари — муҳаббатсизлик билан боғлиқ. Ҳалол емаган одамда муҳаббат бўлмайди, бирова меҳр бўлмайди. Муҳаббат бўлмаса, инки инсоннинг муносабати самимий бўлмайди, бундай оила тарқоқдир, бундай оилалардан иборат дунё жамяятлари ҳам тарқоқ ва муҳаббатсиздир!»

Назаримда, бу фикрларда келажак асрда яралажак буюк бир янги фалсафий оқимнинг моёси мавжуд. Аслида, биз янги даяётган бу фикрларнинг неғизи эски тафаккуримиздадир. Яссавий ва Юнус Эмра каби шоирларимиз ижодларидир. Этимизда ва бугун бу шоирлар Туркистон ва Туркиянинг олтин кўприги бўлиб хизмат қилган бўлсалар, келажакда бутун дунёни жамяни баъшариатини маънавийта ва руҳониятини юксакликларга олиб чиқиши шубҳасиздир.

ЮНЕСКОнинг 1991 йили «Юнус Эмра севги йили» дея эълон қилиши, 1993 йили «Аҳмад Яссавий йили» дея нишонлашга тайёргарлик кўрилягани бу йўлдаги илк одимлардир. Биз ҳам, худди турк маданияти ароби Намуҳ Камол Зейбек орау септиганидай, «XXI асрнинг севги асри бўлиши»га умид билан кутамиз.

Юнус Эмра ва у ҳақидаги китоблар бутун дунё тилларига таржима қилинмоқда; махсус илмий тўпламлар, шоир асарлари асосида театр томошалари, концертлар уюштирилмоқда, фильмлар, оракториялар, симфониялар яратилмоқда, видео ва магнитофон кассеталари, альбомлар чиқарилмоқда.

Бугун, дунёда ҳукмронлик давосидаги бир неча ёш миллатларнинг тахлиқо тўлоқонлари кучаган бир замонада, биз ўн бир минг йиллик тарихга, изҳорий маданиятга молик инки юз миллионли турк халқлари Аҳмад Яссавийдек, Юнус Эмрадек дунёвий шоирларимиз борлиги билан фойдаланамиз. Бу фахр киб-буруғу эмас, аслинча, бу улғур алломоларнинг асарларини олам аҳлига етказиш, баъшариатга хизмат қилишдан иборатдир.

Тоҳир ҚАҲҚОР.

Маънавиятимиз тамал тошлари

ОЛТИН КЎПРИК

ҳеч сўз айтилмаган. Аҳмад Яссавийнинг мистик адабиёт вақили деб тақиқлаганлар, унинг издошлари ҳақида сўзлашга ҳам йўл бермадилар. Аммо инсонлар яратган тақиқлар беқарордир, вақтинчалиқдир, мана, шукрин ўтди, битди.

Юнус Эмра — Туркиянинг, турк миллатининг дунёга етиштириб берган энг буюк шоирдир. У ҳаётда ҳам, ижодда ҳам дин, маъна, ирқ ақратмади, одамларни бой-намбагалга айирмади. У инсон ўз яратганини севини, Оллоҳ яратган барча борлиққа — дунёга, инсонга, бошқа махлуқларга бирдай муҳаббат билан яшаш керак, деган гояни илгари сурди. Бу севги — шоир ижодининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг қабртоғига ўзи айтган «Севилем, севилелем!» (яъни Оллоҳни ва У яратганларни севаман, улар томонидан севилмаман — Т. Қ.) сўзлари билтирган. ЮНЕСКО ташкилотининг 1991 йили «Юнус Эмра йили» деб эълон қилганининг боиси ҳам ана шунда. Бу санада бутун баъшариат Юнус Эмранинг 750 йиллигини нишонлади. Жум-

боғлиқ; М. Азиз Бўлал Баишича, эмра сўзи ошиқ маъносидадир. Шоир ҳақида Туркияда юздан ортиқ китоб бор, уларда Юнус Эмранинг ҳаёти ва ижоди теран тадқиқ қилинган. Аммо ҳаётини ҳақиқати маълумот турлича эди; араб тили — фан тили, форс тили — адабиёт тили ҳисобланарди. Бундай нотўғри йўналиш эски Туркистонда ҳам ҳукмрон эди. Аҳмад Яссавий исломий билимларини, илоҳий шеърларини турк тилида битгани каби унинг издоши бўлган Юнус Эмра ҳам ўз асарларини халқ шевасида — Анатули турклари тилида эди. Осн ва Оврўпо бағридаги боболаримиза қўрган Туркияда Олтой ва Туркистонда туртилган турк тили ҳукмрон бир тилга айланишида бу буюк бир хизмат, мияллий қаҳрамонлик эди.

Юнус Эмранинг адабий мероси асосан инки асардан иборат. Бири — «Рисолатун нуҳийя». Шоирнинг «Сўз тарихи еди йўз еди иди. Юнус жани бу йўлда фиди эди» сатрлари асарининг ёзилган даврини — 707 ҳижрийни (мелодий 1307) билдирди. Асарининг нухалари ҳажман турличадир: байтлар сони

98 та, бирида 350 та шеър бор; яқин асрларда кўчирилган нухаларда шеърлар сони 500 тагача мавжуд. Шоирнинг ҳар иккала асарининг ҳам асл нухалари Туркияда ҳануз топилмаган, энг эскилари XIV — XV асрларга мансуб.

«Девон» баъшари оламнинг бош масалалари — Оллоҳ, дунё, инсон, борлиқ ва йўқлик, ўлим, ишқ, ахлоқ мавзусидаги шеърлардан тузилган.

Юнус Эмра ижодини туркислом маданиятини, Қуръонни, Ҳадисни билганларгина теран тушуниши мумкин. Масалан, шоир инсон моҳиятини шу тўрт натор шеъринида буюк бир файласуф, даҳо сифатини ифодалайди:

Бон гўлэмдани дови ичин, Боним ишим сави ичин. Дўстун эви гўнлардир.

Гўнлардир ялмага гўлэм... Яъни: дунёда даво қилиш учун, бу дунё моллини, ериги, нарсаларини — талашинг учун келмадинг; меннинг ишим муҳаббатдир. Дўстнинг, яъни Оллоҳнинг уйи кўнглилардир: кўнглиларни яратгани нелдим.

Ҳақиқатан ҳам дилида

Тўқлиқ макон бу, қочмасанг, Кўчинчидай гар қўчмасанг, Йўқлиқ шаробин қўчмасанг, Ох, не қилай, умрим сени! Сенсиз қолурман кун келиб, Кўрт-қуш егайдир ел қилиб, Етгум-қуш тўпурқ бўлиб, Ох, не қилай, умрим сени! Мискин Юнус, қўчмасанг! Фўқру назар қўчмасанг! Улғай одам, билмасанг, Ох, не қилай, умрим сени!

Юнус ЭМРА
Мискин Одам авлоди Нафсига қул бўлишидир. Ҳайвондайин ўтлода ўтлар учун қолмишидир. Ҳеч ўлимни эсполмас, Қай кун ўлғайдир, билмас. Дунга ҳеч тўйолмас. Гафлат эсин олмашидир. Ешлар ўғит олмашидир. Таъба недир, билмайди. Кека тоат қилмайди. Ер ёмоғга тўлмайди. Беклар оздан йўлиниди, Бехабар эл ҳолиниди.

«ДЕВОН» ДАН ШЕЪРЛАР
Қочди раҳмат қўлидан Нафс улғарга йўлишидир. Юнус айтур олимдан, Бўлма зинҳор зопимдан, Кўрдурдурман ўлимдан, Ким тўғилмас — ўлишидир. * * * Ох, не қилай, умрим сени! Умрим, мен сени алдадинг... Тошдай бўлиб, ним қол, дедим, Ох, не қилай, умрим сени! Кун-тун манга қивон эдинг, Жоним ичинда жон эдинг,

Мен-чун ўзинг сўлтон эдинг, Ох, не қилай, умрим сени! Кўнглим сивга боғлар эдим, Тўп мисли ардоқлар эдим, Гул ичра гоҳ, йиллар эдим, Ох, не қилай, умрим сени! Ким бунга келгандир, иетар, Дунё иш-ёмоғон, ўтар, Елғонларинг қай кун битар, Ох, не қилай, умрим сени! Яхши-ёмоғини ёзар, Умрим илми дунё узар, Шанлим бузар, жисимиз тўзар, Ох, не қилай, умрим сени!

Тўқлиқ макон бу, қочмасанг, Кўчинчидай гар қўчмасанг, Йўқлиқ шаробин қўчмасанг, Ох, не қилай, умрим сени! Сенсиз қолурман кун келиб, Кўрт-қуш егайдир ел қилиб, Етгум-қуш тўпурқ бўлиб, Ох, не қилай, умрим сени! Мискин Юнус, қўчмасанг! Фўқру назар қўчмасанг! Улғай одам, билмасанг, Ох, не қилай, умрим сени!


СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

УЧКУРАШ ГОЛИВЛАРИ
• ТОШКЕНТДА егил атлетика бўйича қизиқарли мусобақалар ўтказилди. Спортчилар федерацияси сарнини, ўсмирлар ва ешлар ўртасида Ўзбекистон бирин-

чилиги ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги турнирига йўллама олшп баҳсита айланди. Мутахассислар таъбири билан айтганда мавсумнинг дастлабки чигилёвди мусобақасида егил атлетикчилар кўтаришчи руҳда меҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Тошкентлик Алексаандр Потоний узулган бўлса, 60 метрни 6,7 секундда югурди ўтиб, уч хатлаб сакраш бўйича 15 метрни 27 сантиметрлик кўрсаткич бўйича муваффақият қозонди. Ленинград билан сакраш бўйича унинг ҳамшаҳари Вячеслав Арестов 550 сантиметрлик маррани эгаллади. Вухоролик И. Бобомуродов 300, 1500 ва 3000 метрга югуришда

маҳорат кўрсатди. Умумжамоа ҳисобида тошкентликлар галаба қозонди.
ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ
Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари мавсумга ҳозирлик қўришмоқда ва машиқи ўртоқлик учрашувларида тобиға етказишга ҳаракат қилишмоқда. Футболчиларимиз Тошкентнинг «Трактор» футболчиларини 3:1 ҳисобидан енгилган эди. Олмалицининг «Кимёгар» жамоасига 0:1 ҳисобидан имкониятни бой беришди. «Помир» билан бўлган учрашув ҳам кўпчилиқда қизиниш ўйотди. Бу ўйинда дарвозалар дахлсиз қолди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.
Рўзнома таҳрир хайбати: Х. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. К. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. К. ТУРСУНОВ, Я. ТҲАТБЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУҲАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҶИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
БҮПИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-11-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта кўриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, севлетлар ҳаёти, назария ва мафрура — 33-34-69, 32-38-75, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноят, қўрилиш ва транспорт — 33-47-30, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик санояти — 33-76-04, 33-07-20, 32-52-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-10-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий санъат-артириқ — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 33-54-29; УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народной демократической партии Узбекистана.
• 367.500 нухсада чоп этилмоқда.
Буюртма № 11.
№ 16